



## **ОРТИҚЧА ВАЗНИ БОР ЎСМИР ҚИЗЛАРДА РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМДА РИВОЖЛАНАДИГАН АСОРАТЛАРНИ ЎРГАНИШ**

**Олтинбоева Зарнигор Авазбек кизи**

**Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти**

Ортиқча вазни бор ўсмир қизларда қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши репродуктив тизим касалликларини ривожланишида асосий хавф омилларидан бири эканлиги қатор адабиётларда кўрсатилган. Кўпчилик муаллифлар фикрига кўра ҚБ нинг аутоиммун касалликлари бепуштлики, олигоменореяни, чала хомила туғилишини, хайз циклини бузилишига олтб келади. Бизнинг худудимизда йод танқислиги қатор илмий ишларда тасдиқланган бўлиб бу танқислик айниқса, ортиқча вазни бор ўсмир қизларда ўзига хосликларига эга бўлиши муқаррардир.

**Илмий иш мақсади:** Фарғона вилоятида яшовчи қалқонсимон без касаллиги бор ортиқча вазнли ўсмир қизларда репродуктив тизимда ривожланадиган асоратларини ўрганиш.

### **Тадқиқот объектлари ва текшириш усуллари**

Тадқиқот объекти сифатида Фарғона вилояти эндокринология диспансерига амбулатор равишда мурожаат қилган ортиқча вазни бор 150 та ўсмир қизларни клиник, лаборатор, гормонал ва ультратовуш текширув натижалари таҳлил қилинди.

### **Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.**

Текширув жараёнида Репродуктив органлар УТТ сида 25% ўсмир қизларда бачадон гипоплазияси, 15% да тухумдонлар мультифолликулалари, 10% да тухумдонлар гипоплазияси аниқланди. 2-гурух ортиқча вазни йўқ ўсмир қизларда эса 5% бачадон гипоплазияси, 5% да тухумдонлар мультифолликулалари, тухумдонлар гипоплазияси эса ҳеч қайси ўсмир қизларда аниқланмади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги тадқиқот натижалари ортиқча вазни бор ўсмир қизларда қалқонсимон без фаолиятидаги бузилишлар репродуктив



## International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16<sup>th</sup> May, 2025

тизим органларида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкинлигини яққол намоён этди. Айниқса, бачадон гипоплазияси, тухумдонларнинг гипоплазияси ва мультифолликулалик каби ҳолатларнинг юқори учрашув ҳолати бу категориядаги қизларда репродуктив соғлиқ жиддий хавф остида эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолатлар келажақда уларнинг она бўлиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, ортиқча вазн ва йод танқислиги билан боғлиқ қалқонсимон без муаммолари мазкур асоратларнинг янада кучайишига замин яратади. Бундай хулосалар жойларда профилактик чора-тадбирларни кучайтириш, ўсмир ёшдаги қизларда соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни йўлга қўйиш, ҳамда эндокрин ва гинекологик назоратни мунтазам ташкил этиш зарурлигини англатади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримова, М. (2019). Динамика хирургических операций узловых форм зоба в условиях йодобеспеченности и йододефицита. Журнал вестник врача, 1(1), 58-62.
2. Каримова, М. М. (2025, February). ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОР АЁЛЛАРДА РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМДА РИВОЖЛАНАДИГАН АСОРАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ. In International Conference on Modern Science and Scientific Studies (pp. 30-34).
3. Muxammadsadikovna, K. M. (2025, February). CHANGES IN THYROID TISSUE IN WOMEN OF CHILDBEARING AGE WHO HAVE HAD SARS-COV-2 INFECTION. In International Conference on Modern Science and Scientific Studies (pp. 291-294).
4. Шухратжон у'гли, СЭ (2025, январь). РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ И ЭТИОЛОГИЯ ГИПОСПАДИИ. На Международной конференции по междисциплинарным наукам и образовательной практике (стр. 99-104).
5. Tohirbek To'liqinjon o'g, S. (2025, February). STRUCTURE AND FUNCTIONS OF THE URETHRAL SPHINCTER IN MEN. In Scientific Conference on Multidisciplinary Studies (pp. 165-171).